*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

1991 йил 16 март • шанба •
№ 53 (10.049). Баҳоси 10 тийин.

16 МАР 1991

## 17 МАРТ — СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

**ЯНГИЛАНГАН ЯГОНА ИТТИФОҚ УЧУН ЯКДИЛЛИК БИЛАН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!**

# БУЮК ИТТИФОҚ ДАВЛАТИМИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

### М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ОРҚАЛИ 15 МАРТ КУНИ СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ниҳоят, биз Бутуниттифоқ референдуми арафасида турибмиз. Бу воқеа Ватанимиз тарихида биринчи бор рўй бераяпти. Ҳар биримиз референдумда қатнашар эканмиз, у кўп миллатли давлатимизнинг бугунги ва эртанги кунига даҳлдор бўлган бош масалани ҳал этишини тўлатўкис англаб олишимиз керак. Гап мамлакатнинг тақдири ҳақида, Ватанимизнинг тақдири тўғрисида, умумий хонадонимиз ҳақида, сиз билан биз, фарзандларимиз ва набираларимиз қандай яшашлари тўғрисида бормоқда.

Бу масала шундай миқёсда ва шундай аҳамиятга моликдирки, у айрим партияларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг, сиёсий ва ижтимоий ҳаракатларнинг манфаатларидан юқори туради. Бу масалани фақат халқнинг ўзи ҳал қилишга ҳақлидир. Азиз ватандошлар, ҳаммаларингизни умумиттифоқ референдумида қатнашишга ва қўйилган саволга «Ҳа» деб жавоб қайтаришга чақираман.

Бизнинг «Ҳа» дейишимиз давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолади, минг йиллик тарихга эга бўлган бу давлатни кўпдан-кўп авлодлар ўз меҳнати ва ақл-заковати билан, қанчадан-қанча машаққатлар билан барпо этган. Бу давлатда халқларнинг тақдири ҳам, миллион-миллион кишиларнинг тақдирлари ҳам, сиз билан бизнинг тақдиримиз ҳам чамбарчас пайваста бўлиб кетган.

Бизнинг «Ҳа» дейишимиз — ўзида бирлашган халқларнинг мустақиллиги ва хавфсизлигини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга қодир эканини неча марталаб исботлаган давлатга ҳурмат демакдир.

Бизнинг «Ҳа» дейишимиз — не-не синовлардан омон ўтган мамлакатимизни уруш алангаси ҳеч қачон куйдирмаслигининг кафолатидир.

Бизнинг Ҳа» дейишимиз — марказнинг зўравонлиги ва республикаларнинг ҳуқуқсизлиги ҳукм сурган эски тартибларни сақлаб қолиш эмас. Референдумнинг ижобий якунлари иттифоқ давлатини тубдан янгилаш, уни барча миллатлар фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларига пухта кафолат бериладиган мустақил республикаларнинг федерациясига айлантириш йўлини очади.

Бизнинг референдумда «Ҳа» дейишимиз ва Иттифоқ Шартномасининг тузилиши жамиятимизда рўй бераётган бузғунчилик жараёнига чек қўйиш, нормал турмуш ва иш шароитларини тиклаш сари қатъият билан бурилиш имконини беради.

Англашимча, халққа айни шу нарса керак, одамларимиз айни шуни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ хоҳламоқдалар. Чексиз гап-сўзлар ва эҳтиросларнинг кучайтирилиши уларнинг меъдасига тегди. Улар ҳам ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳам истеъмол бозори, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот, давлат идораларининг фаолияти соҳасидаги амалий масалалар ҳал этилишини талаб қилмоқдалар. Хуллас, одамлар турмуш нормал изга солинишини истайдилар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, референдумнинг муваффақияти мамлакатда бошланган ва биз ўз режаларимизни, уларнинг рўёбга чиқарилишини умид қилаётган ҳамма ислоҳотлар дадил давом эттирилиши учун янги имкониятлар очиб беради.

Яна бир гап, ўртоқлар. Жамиятда тотувлик ва ҳамкорлик бўлмаса, олдимизда турган вазифаларни ҳал қилиш қийин. Эҳтимолки, умуман иложсиздир. Шу сабабли, вақт ғаниматида муросасизлик, дарғазабликни, айрим жойларда эса душманлик назари билан қарашни ҳам тўхтатиш лозим. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқарган тақдирдагина бунинг ҳам уддасидан чиқамиз. Референдумнинг ижобий якуни жамиятни жипслаштиришнинг бошланиши бўлур эди.

Менинг қатъий ишончим шундан иборатки, башарти жамиятда чуқур нифоқ чиқса, ғолиблар бўлмайди. Ҳамма зарар кўради. Биз ҳаммамиз бой берамиз. Мамлакатнинг парчаланиши, одамлар ва халқларнинг бир-бирига қарама-қарши қўйилиши қанчадан-қанча кулфатлар ва бахтсизликлар келтириб чиқаришини ҳатто тасаввур этиш ҳам қийин. Бу нарса фақат сиз билан бизнинг кулфатимиз бўлмайди. Ҳозирги дунёнинг ишонган тоғларидан бири бўлган давлатнинг барбод бўлиши, таъбир жоиз бўлса, беқиёс миқёслардаги ялпи ларзага олиб бориши мумкин.

Бўлажак референдум муносабати билан мен кўплаб хат олдим. Улар бир неча мингга боради. Липецкдаги митинг қатнашчилари ҳам менга хат йўллаб, унда Ярослав Мудрийнинг: «Агар нафратланиб, можаролар ва жанжаллар гирдобида яшасангиз, ўзингиз ҳалок бўласиз, ота ва боболар ўзларининг зўр меҳнатлари билан барпо этган элни ҳам ҳалок қиласиз. Аммо оға-ини бир-бирингизга қулоқ солиб осойишта яшанглар», деган сўзларини эслатдилар. Бу — ҳақиқатан ҳам доно инсон ва ватанпарварнинг маслаҳатидир.

Хуллас, ҳар биримиз ҳозир тарихий маррада турибмиз. Сизлар ҳозиргача обдон ўйлаб, кўп нарсаларни чамалаб, ўз дўстларингиз билан, ўз оилаларингизда кўп нарсаларни муҳокама қилгансизлар. Эҳтимол — бир қарорга ҳам келгансизлар, буни тушуниб турибман. Шундай бўлсада, азиз ватандошлар, сизларнинг ҳаммангизга мурожаат этаман: Референдумда буюк Иттифоқ давлатимизга қатъий қилиб «Ҳа» денглар, ўзингиз учун ва ўз авлодларингиз учун уни сақлаб қолинглар.

## ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

# ШАРТНОМА

Қуйида олий аҳдлашувчи томонлар деб аталувчи Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси:

— Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга ва Қирғизистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларацияга асосланиб;

— ўзбек халқи билан қирғиз халқининг тарихий тақдири яқинлигини назарда тутиб, давлатлараро ҳамкорликнинг барча соҳаларида ўзаро муносабатларнинг эришилган даражасини ва бу ўзаро муносабатларга янги омил бахш этиш зарурлигини эътиборга олиб;

— дўстлик ва тотувликда яшашга интилиб;

— мустақил давлатларнинг янгиланган иттифоқини ихтиёрийлик асосида барпо этишга ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш муддаосига амал қилиб;

— ўз муносабатларини давлат мустақиллигини ўзаро эътироф этиш ва ҳурмат қилиш, ўз тақдирини ўзи белгилашдан иборат даҳлсиз ҳуқуқ, тенг ҳуқуқлилик ва ички ишларга аралашмаслик принциплари, чегараларнинг яхлитлиги

(Давоми 2-бетда).

## ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ДАЪВАТИ

**ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР!**

17 март куни Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш масаласи бўйича Бутуниттифоқ референдуми бўлиб ўтади. Референдум давомида ҳар биримиз ҳар қандай миллат кишисининг ҳуқуқ ва эркинликларига тўлиқ кафолат бера оладиган, тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатидаги Иттифоқимиз келажаги ҳақида ўз фикримизни билдирмоғимиз лозим.

Асрлар давомида мамлакатимиз кўпмиллатли таркибда, яхлит давлат сифатида яшаб келди. Бизга ҳам у шу тариқа мерос қолди.

Тўғри, халқларимиз солномасида ғамташвишли саҳифалар ҳам бўлган, аммо бу синовлар чоғида биродарлик туйғуси бизга мадад бериб турди. Бугунги кунда тарих ва миллат олдида виждонан, ҳалол туриб, халқларнинг Россия билан бирлашишга уринишларини шубҳа остига олиш мумкинми? Одамлар узоқ вақтлардан бери уни нафақат савдо бўйича ишончли шерик, балки, ишончли ҳимоячи, ўзаро бойиш манбаи деб билганлар.

Биз Иттифоқнинг парчаланиши ҳар бир алоҳида республиканинг ҳам, бутун Россиянинг ҳам кучсизланиб кетишига олиб келади, деб ҳисоблаймиз. Ажралиш жараёнида ғолиблар бўлмайди, фақат мағлубларгина бўлиши мумкин.

ССР Иттифоқининг мавжудлиги, айниқса иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги, миллатлараро муносабатлардаги инқирозли жараёнлар кескин ўткирлашган ҳозирги вазиятда барча совет кишиларининг ҳаётий манфаатларига холис жавоб беради.

Бу мураккаб муаммоларни фақат мамлакатимизда баҳамжиҳат яшаётган халқлар ва фуқаролар иттифоқи билангина ҳал этишимиз мумкин. Бошқа йўл йўқ. СССРнинг парчаланиши шунчаки ақлсизлик бўлур эди.

Азиз ўртоқлар, ватандошлар! Ҳар бир совет кишиси жамиятнинг янгиланиши, мамлакат бирлиги, кўпмиллатли уйимиз тинчлигига эришишдек улуғвор мақсадлар ҳимоясига турадиган фурсат келди.

Бу оғир вазиятда, Ватан тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар бир одамни 1991 йил 17 март куни тенг ҳуқуқли суверен республикаларнинг янгиланган федерацияси сифатидаги ССР Иттифоқини сақлаб қолишни ёқлаб овоз беришга чақирамиз.

Янгиланган Иттифоққа — ҲА! Мамлакат парчаланишига — ЙЎҚ!

**Ленинграднинг Киров районидаги партия ташкилотлари котиблари кенгаши номидан:**

**С. П. ВЛАСОВ — «Знамя Октября» ишлаб чиқариш бирлашмаси,**

**В. И. ЕФРЕМОВ — «Электроавтоматика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,**

**А. П. ЖИТЕНОВ — — «Киров заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси,**

**В. И. КИРПИЧЕНОК — «Равенство» Ленинград ишлаб чиқариш бирлашмаси,**

**В. И. МОРОЗОВ — «Севзапморгидрострой» трести,**

**Ю. П. ОКУНЕВ — «Ритм» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,**

**А. Б. РАЧКОВ — Денгиз савдо порти,**

**Е. В. СЕРГЕЕВ — Болтиқ денгиз кемачилиги,**

**А. И. ТЯПКИН — «Северная верфь» кемасозлик заводи,**

**В. В. ТРОФАНЮК — 20-қурилиш трести. ва бошқалар, жами 44 имзо.**

## • ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИ •

# ЙЎЛДАГИ ЎЙЛАР

ПИСКЕНТ ноҳияси Тошкент денгизи манзаралари тугагандан сўнг бошланади. Бироқ сиз кўз юмганча ўтиб кетишга шошилманг. Эътибор берган бўлсангиз эшитилишининг ўзиданоқ зангори осмонга гўё тўлқинларнинг қирғоқдаги тик қояларга урилишидан ҳосил бўлган марварид доначалари, бир олам қувонч сачраётгандек: Тошкент денгизи...

Йўлнинг танобини тинмай тортиб кетаётган транспортдаги ҳар қандай одам, хоҳ у оддий йўловчи бўлсин, хоҳ саёҳатчи кўз ўнгида намоён бўлган гўзалликка бефарқ қарамайди, қараёлмайди. Бўка, Бекобод, Хўжанд, Фарғона... шу томонга иши тушганларнинг Тошкент денгизи манзараларисиз йўл таассуротлари тўлиқ бўлмас, менинг назаримда.

Қуюқ туман қўйнидаги кўм-кўк сув мавжланади. Юзлаб ёввойи ўрдаклар шу ерда қўним топган, сув юзасида сузиб юрибди. Бироз хаёлга толсангиз «Сангам»даги Сундр Радханинг ишқида туман қўйнидан моторли қайиғида қўлини олдинга чўзганча қўшиқ айтиб чиқиб келадигандек.

— Денгизнинг суви кўпаймабди.

— Тоғдаги қорлар ҳали эримади-да.

Оламнинг бетакрор табиати кимнингдир ёдига Оролни солди:

— Орол денгизи ҳам қуриб боряпти...

Район марказига одамлар юмуш билан, тирикчилик ташвишида тушишади. Ҳар ким ҳар ёққа шошган. Автовокзал ёнидаги дўкондан гўшт олган кишининг кўнгли тўлмади шекилли, муштдек-муштдек келадиган иккита суякни қайтадан тарозига қўйди.

— Шунингни алмаштириб бергин.

— Иложим йўқ, ака.

— Аканг ўргилсин, пулимга гўшт олаяпман.

— Иложи йўқ дедим-ку.

— Менга қара, ярим кило гўштга бир кун қозоним қайнайди. Бу суякни бошимга ураманми. Пишириб еб бўлмаса.

— Ахир гўшт суяксиз бўлмайди-да. Нега тушунмайсиз.

— Нега зарда қиласан. Текинга бераётганинг йўқ, пулимга оляпман.

— Мақсад — дўқ уриб гўшт олишми?

— Бўлмаса, тўғрилаб бергин, аканг ўргилсин.

Хулласи калом норозилик билан бўлса-да қассоб суякни гўштга алмаштириб берди. Ким ҳақ? Суякни торозига инсоф билан қўйгин деб талаб қилган харидорми ёки гўшт суяксиз бўлмайди, дея олдига мушукнинг калласидек келадиган суякларни уюб олган қассобми?

Инсоф билан айтганда Пискент марказидаги озиқ-овқат дўконлари у қадар шип-шийдам эмас. Ўтган йилнинг ноябрь—декабрь ойларидагидек узун пештахталарнинг бошидан охиригача тузланган карам идишлари териб қўйилган эмас. Шундай вазият юзага келган эдики, ҳатто район соғлиқни сақлаш бўлими томонидан ҳомиладор аёлларга имтиёз — ёрдам тариқасида бериладиган озиқ-овқат талонига ҳам рўйхатда кўрсатилган маҳсулотларнинг бирортасини топиб бўлмай қолган эди. Ҳозирда вазият яхши томонга ўзгаряпти. Магазин пештахталарига «ранг киряпти».

Энди узр-да, ҳурматли ўқувчи! Кўтаринки руҳда битилган сатрлар юқорида қолиб кетди. Бозорга кириб биз ҳам тирикчилик ташвишига тушиб қолдик. Сизнинг фикр-ўйингиз, юриш-туришдаги «суҳбат мавзуи»нгиз шу бўлса мен нима ҳам қила олар эдим. Сиз боғдан, мен тоғдан келиб турсам яхши бўлмас, мулоқотимиз қовушмас.

Бозорда ҳисоб-китоб аниқ юритилади. Ҳақиқий аҳвол ойдинлашади. Улуснинг туриш-турмуши қандай эканлиги равшан бўлади. Пискентнинг Шўро бозори ихчамгина, кирди-чиқди ҳам шунга яраша — сийрак. Сабзи 50—70 тийин, картошка 80 тийин — 1 сўм, турп 50 тийин. Олманинг нархи 3 сўмдан 7 сўмгача, анорники 5 сўмдан 8 сўмгача.

Ўтган йилнинг куз фаслида иш юзасидан Қозоғистон жумҳуриятининг Жамбул областига боргандим. Етиб боргунингизгача йўлнинг икки четидаги уйларнинг олд ва орқа томонларида олма ва нок дарахтларининг шиғил меваларини аранг тутиб турганлигини кўрасиз. Одам гавжумроқ бўладиган бекатларда, йўл чеккаларида олма ва нокларни килолаб эмас, челаклаб савдо қилишади. Идишдаги ҳамма мевани кўтара савдо қиладиган бўлсангиз 1—2 сўм сизнинг фойдангизга ҳал бўлади. Бозорда ҳам шундай манзара. Энг сара нок бир ярим сўм (ўша пайтда ўзимизда 2,5—3 сўм), олма 50—80 тийин (ўзимизда 1,5—2 сўм), узумнинг сероблигини айтмайсизми! Сотувчи келинг, обқолинг деса, пештахта ёнидан ўтиб кетаётган йўловчи, ўзимникини нима қилишни билмай турибман, дейди узр сўрагандек. У ерларга қуёш бизга кўрсатадиган саховатчалик нур сочмайди. Ўзбекистонда етиштирилган узум олтиндек товланади, таъми ҳам ўзгача. Лекин серқуёш ўлкамизнинг айни пишиқчилик даврида ҳам мева-чеваларнинг нархи осмонда бўлишини ҳамма билавермайди. Жамбул кўчаларини айланиб мевали дарахтларнинг кўплигидан кўзим қувонди, бозордаги серобчиликдан дилим яйради. Ўзга юртда Ўзбекистонимни қўмсадим. Негадир кўз ўнгимда чексиз пахтазор гавдаланди. Эҳтимол, болалик хотираларим, ўқувчилик йилларимнинг энг тотли дамлари пахта терими даври билан қоришиб кетганлигидандир.

Юртимизни кезганда бир нарсага эътибор берганмисиз? Истаган томонингизга назар ташланг. Мевасиз дарахтларнинг икки-уч хили шу қадар кўп экилган-ки, шуларнинг ўрнида мевали дарахт бўлганда бу юрт ер юзидаги жаннатга айланарди. Ўрик, олма, ёнғоқ, майиз, бодом кабилар дастурхонимизнинг тансиқ таомига эмас, кундалик оддий емишимизга айланарди. Бозор нархиям чақиб олмасди.

Мевасиз дарахтлар кўчатини етиштириш ва экиб парваришлашга кетган ҳаражатларни ўйласанг юрагинг ғашланади. Жумҳуриятимизнинг ҳар бир район марказида, дам олиш уйларида, урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар теварагида бундай дарахтлардан гектарлаб «боғ» барпо этилган. Эътибор қилинг-а, мевасиз боғ. Иқлимимизга мослаштирилганлиги, табиатимизга, кўчаларимизга миллийлик белгиси бермаслиги туфайли хосиятсиз, ҳиссиз туюлади. Соатлаб боқсангиз ҳам завқ туймайсиз. Ўрик гуллаганда-чи? Эслашингиз биланоқ кўзларингиз порлаб кетади.

Мевасиз «боғ» ҳомийлари булар ҳавони тозалайди, дея важ-карсон кўрсатадилар. Ота-боболаримиздан мевали дарахт ҳавони булғатади, ифлос қилади деган гапни эшитган киши бормикан?!

Мевали дарахт қилинган сарф-ҳаражатни ўн, агар боғбони тадбиркор бўлса юз ҳисса қоплайди-ку. Бизда қачон урра-уррачиликдан келажакни ўйлаб иш тутишга ўтилади? Оддий ҳақиқатни тезроқ англаш, тўғрироғи тан олиш, амалий ишга дадилроқ қадам қўйиш ўрнига қачонгача айбни турғунлик даврига тўнкаймиз. Ушбу сўроқларим акс-садо беришига эмас, кўпроқ ҳавода муаллақ қолиб кетишига ишонаман. Биринчидан, кўпгина қаламкашларнинг шу мавзудаги матбуот чиқишлари кутилган натижани бермади. Жамиятни қамраб олган лоқайдлик деворларига урилди. Нишонсиз отилган ўқдек бесамар кетди. Иккинчидан, маъмурий бино олдидаги ёки дам олиш хиёбонларидаги ярим ёки бир-икки гектар майдонни эгаллаган беҳосил дарахтни ҳақиқий боққа айлантиришдан маълум шахс манфаатдор эмас. Касаллик, иллатнинг боши шу ерда кўринади назаримда. Агар ўша ер бирорта кўнгилли одамга берилса, мевали дарахт экиб ҳосилга киритгунча қилган сарф-ҳаражатини ортиғи билан чиқариб олишига имкон яратилса ўринли бўларди. Боғ яратиб фойда кўрган одамнинг бойиб кетишидан чўчимаслик керак. Унинг меҳнати самарасидан ўзигина эмас, аввало, атрофдагилар баҳраманд бўлади. Юрт обод ва тўкин бўлади. Замин ўзига меҳр кўргазган инсонни бегиннат боқади. Ҳозиргидек «менга ҳам эмас, сенга ҳам эмас» қабилида иш тутмаслигимиз зарур.

Мана, баҳор келди. Кўчат экиш мавсуми бошланди. Ишни манзарали дарахт ўтқазишдан эмас, борларининг маълум қисмини режа асосида қўпориб ўрнига мевали дарахт кўчати экишдан бошлаш керак. Шундагина ўнлаб йиллар давомида йўл қўйилиб келинган хатога ўнлаб йиллардан сўнг чек қўя оламиз.

...Йўлга чиққан одам ҳамроҳ орттиради. Суҳбатдошим куйди-пишди чиқиб қолди. Салюм-аликдан сўнг:

— Йўл бўлсин,— дея сўради.

— Свердлов колхозига, иш билан...

— Ҳа, йиллик ҳисобот йиғилишида номини ўзгартиришга қарор қилишибди. Навоий номини беришар экан.

— Яхши бўлибди-да.

— Аллақачонлар шундай қилиниши керак эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Маркс. Энгельс. Ленин номи давлат корхоналаридан тортиб кичкина кўчаларгача беҳисоб қўйиб юборилган. Мисол учун биргина районни олиб қарайдиган бўлсангиз. Маркс ёки Ленин номидаги хўжаликниям, мактабниям, боғчаниям, кўчаларни-ку қўяверасиз, сон-саноқсиз учратиш мумкин. Бу нима? Улуғларнинг руҳини шод этишми ёки номини бачканалаштиришми? Партия XIX, XX, XXII... съезди жамоа хўжаликлари, ишлаб чиқариш корхоналари. Бу ҳам ўз вақтида урф бўлган экан-да. Хайрият, пленумлар номини қўйиш расм бўлмаган экан. Мен колхозимиз номини ўзгартирайлик, ўзимизга таниш бўлган, шу ерга меҳнати синган кишиларнинг номини қўяйлик, дедим. Масалан, бизда Ғаффор Азаматов деган раис ўтган. Колхозга хизмати кўп синган. Шу кишининг номини қўйиш ёки қўймасликни халқ муҳокамасидан ўтказайлик дедим. Ҳали бирорта одамдан тайинли фикр чиққани йўқ.

— Қайси хўжаликда турасиз,— сўрадим суҳбатдошимдан.

— «Партия XIX съезди» колхозида. Ўзингиз қаерликсиз, меҳмон?

— Қўшни районнинг Энгельс колхозиданман.

— Ие, ана, айтмабмидим боя!

Кулишдик.

— Энди туриш-турмушдан, у йўқ-бу йўқ деб арз қилиш ўзбекка хос эмас.— дилидаги гапни айта бошлади Свердлов номли жамоа хўжалиги шофёри Рустам ака Эшонов.— Ҳар бир инсон насибаси билан туғилади деган гап бор. Машина ҳайдайман. Қўлга тегадиган иш ҳақи 118 сўм. Ўтган йилда олган ҳар бир сўмимга қўшимча 90 тийиндан ҳақ олдим. Менимча, бу ёмон эмас. Тўртта фарзандим бор. Албатта оилани фақат ойлик билан тебратиш амримаҳол. Битта мен эмас, Муродали қишлоғининг барча одамлари томорқага ҳар хил кўкат, сабзи, бодринг, саримсоқпиёз, помидор экади. Эрта экиб, эрта сотишга ҳаракат қилади. Томорқадан чиққан маҳсулотларни асосан Ангрен, Олмалиқ бозорларида сотамиз. Ўзбекнинг нимаси кўп — тўйи, иморат қуриши. Бундай юмушларни деҳқончиликдан келган даромад эвазига битказамиз. Қишлоғимизга ҳали газ етиб келмаган. Ҳар йили 200—300 сўмга бир машинадан кўмир оламиз. Бу айрим оилаларга оғирлик қилади. Лекин noилож, бола-чақанинг ризқ-насибасидан қийиб бўлса-да, кўмир олиш керак. Бусиз қишдан чиқиш қийин. Нимасини гапираман, бу гап мен учун ҳам, сиз учун ҳам янгилик эмас. Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради, ахир.

— 1991 йилда 400 ўринли боғча қурилиши режалаштирилган,— деди Муродали қишлоғида ҳамроҳлик қилган ёрдамчи иқтисодчи Шамсуддин Ғиёсов.— Нархи 1 млн. 700 минг сўм экан, «холос». Бу биз учун арзонми ёки қиммат? Таққослаш учун хўжалигимизнинг бир йиллик даромадини келтириш керак бўлади. Умумий экин майдони 2893 гектар бўлиб, шундан 20 гектари бу йил одамларга томорқа тариқасида берилади. 1990 йилда пахта, пилла, боғдан олинган соф фойда 1 млн. 636 минг сўмни ташкил этди. Рақамлардан кўриниб турибдики, боғча қурилиши учун хўжаликнинг бир йиллик даромади камлик қиларкан. 400 ўринли хашаматли боғча қурилиши колхозчилар кўнглига унчалик ўтиришмаяпти. Чунки хўжалик беш-олтита қишлоқдан иборат. Оралиқ масофа анча йироқ, кейин, янги боғчанинг нархи жуда қиммат. Шунинг ўрнига ҳар бир қишлоқда ихчамроқ, кам чиқимли боғча қурилса, ҳар томонлама қулай бўлади. Болаларни боғчага олиб бориш ва олиб келиш учун транспорт ажратишга ҳам зарурат қолмайди. Одамларимизнинг фикри шундай. Уларнинг гапида жон бор. Ҳамёндаги пулни ўйлаб сарфламасак, ҳисобдан адашиб кетамиз чоғи.

Муродали қишлоғи водопроводлаштирилган. Аҳоли шу кунгача тоза сув ичиб келди. Кейинги пайтда Олмалиқ кимё заводининг заҳарли оқаваси водопровод сувининг юзасида қалқиб, пайдо бўлиб қолмоқда. Сувни фақат қайнатиб ичиш мумкин бўляпти. Шундай бўлса-да бу ҳол ҳали кўпчиликни жиддий ташвишга солмаяпти. Заводнинг заҳарли оқаваси йўли ўзгартирилмаса ёки тўсиқ қўйилмаса, бу ҳол келажакда нафақат муродалиликлар, атрофдаги йирик хўжаликлар учун ҳам жиддий экологик муаммога айланиши мумкин.

Муродали қишлоғининг муаммоларини сарлавҳага олиб чиқдим. Айтиб ўтилган фикрлар, дуч келинган камчиликлар биргина шу қишлоққа хос эмаслиги ҳаммага аён. Рустам ака айтганидек, хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради. Аммо, бу қичқириқ руҳимизни, онгимизни, ақлимизни карахтликдан халос этиши керак.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ.**

● ЭРТАГА — САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

# ● БОЛАЛАР БОҒЧАСИГА ҲАЙРИЯ ●



● ҒАЗАЛКЕНТ шаҳридаги пойабзал магазини жамоаси ҳайрли ишларни амалга оширмоқда. У ҳар ойда 9— «Буратино» болалар боғчасига 30 сўмлик ўйинчоқлар ва бошқа зарур буюмлар сотиб олиб, совға қилиб келмоқда.

СУРАТДА: магазин мудири Т. Бардинов, кичик сотувчи И. Нуртоева ва боғча мудираси В. Радионовалар совға улашилган бахтиёр болалар даврасида.

И. ПОРТНОВ сурати.

● *Маданий ҳаёт*

## ОКЕАН ОРТИГА ГАСТРОЛГА

Ўзбекистон санъат арбобларининг бир гуруҳи Америка Қўшма Штатларига — ватандошларимиз ҳузурига жўнаб кетишди. Улар орасида жумҳурият халқ артисти Хайрулла Лутфуллаев, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров, хонанда Ғиёс Бойтоев, «Баҳор» ансамблининг раққосалари Шаҳноза Фозилжонова билан Олима Ёқубовалар бор.

«Ватан» жамияти уюштирган бу сафар яқинлашиб келаётган халқ байрами «Наврўз»га бағишланган. Кун билан туннинг тенг келадиган ана шу ажиб куни одатда ватандошларимиз доирасида нишонланарди, энди эса ана шу тантаналар алоҳида байрамона тус олиши кутилмоқда, чунки тақдир тақозоси билан ватанидан узоқда яшаётган кишилар учун она Ватан маданиятининг бир зарраси билан ошна бўлиш имконияти пайдо бўлди.

Санъаткорларимиз Америка Қўшма Штатларининг турли шаҳарларида ўз маҳоратларини намойиш этишади. Улар Америка саҳнасида кўрсатадиган концерт дастури «Ўзбекистондан мусиқали салом» деб аталади.

(ЎзТАГ).

● ЯНГИ ТЎПЛАМ

## «МЕНИНГ ДИЛДОРИМ»

«Агар Одесса бутуниттифоқда ҳамма тан олган ҳажв пойтахти бўлса, бизнинг Ўзбекистонда ўз кулгу марказимиз — Қўқон бор. Бу шаҳарда яшовчи ҳар бир одам истаса-истамаса аскиячи бўлиши шарт. Мен эса қўқонликман». Ҳажвчи Мурод Тиллаев ўзининг ҳажвий ҳикоялар тўпламини шундай сўзлар билан бошлаган. Китобча Москвада «Крокодил кутубхонаси» туркумида нашр қилинди.

Мурод Тиллаев — кўплаб ҳажвий асарлар, фельетонлар муаллифи. У ўз фаолиятини «Коммунизм тонги», «Ленин учқуни», «Қишлоқ ҳақиқати» газеталарида бошлаган, «Муштум» республика ҳажвий журналида ишлаган. Ҳаётни кузатиш, республика бўйлаб кўплаб сафарлар аксарият сюжетлар учун мавзулар берди. Ёш муаллифнинг асарлари «Крокодил»да 1981 йилдан буён эълон қилинмоқда.

Янги тўплам «Менинг дилдорим» ҳикоясининг номи билан аталди. Реал воқеа ҳажвчи тасвирида қувноқ ҳажвий қирралар касб этди. Хўжа Насриддин тўғрисидаги янги воқеалар эса латифалар фақат Қора денгиз соҳилидаги Одесса ёки Габровода эмас, Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлганига шубҳа қолдирмаяпти. Мана, шундай кулгули воқеалардан бири: «Пахтакор» футболчилари футбол мавсуми тугагани муносабати билан Хўжа Насриддинни банкетга таклиф қилдилар. Ўтириш учун ҳақ тўлайдиган вақт келганда Насриддин: «Сизлар ютқаздингиз. Ҳисоб официант фойдасига ҳал бўлди», — деди. Ёки бошқа бир воқеа: «Насриддин туғилган кунига меҳмон чақирди. Меҳмонлар дастурхон атрофига ўтиришганда уларнинг ҳар бири ўз олдида беш сўмдан пул турганини кўрди. «Қадрли меҳмонлар! — деди Хўжа Насриддин, — егуликлар дастурхонга тортилган, ичкилиги ўрнига эса пулини ола қолинглар. Мен ичкиликбозликка қарши фармонни бузолмайман».

(ЎзТАГ мухбири).

## ҚАТРАЛАР

ҲАЗРАТИ Навоий ота ва онани қуёш ва ойга қиёслар эканлар, биз, юлдузлар, буюк зотларга қўшқанот бўлмоғимиз —муқаддас бурчимиздир:

**Абадий барҳаёт икки буюк зот,**
**Уларга бир умр бўлгил қўш қанот.**

* * *

ИНСОН одоб ва аҳлоқни ҳаёт дарсидан мукаммал ўрганади. Бунинг учун ҳар биримиз пок, имонли, виждонли бўлмоғимиз шарт:

**Инсон гўзаллиги — аҳлоқ, одоби,**
**Покликни ўргатар ҳаёт китоби.**

* * *

ДУНЁДА она сутидек мусаффо, ҳаётбахш сарчашма йўқ. Сут ҳақини оқлашга умринг озлик қилади:

**Мунис оналарнинг меҳри дарёдир,**
**Сийнадаги сути жонбахш зиёдир.**

* * *

ИНСОФЛИ одам исрофгарчиликдан ўзини тияди. Исрофгарчилик — йўқчиликнинг бошланишидир:

**Барчани ранжитур исрофгарлик,**
**Режали инсонда бўлмас ҳеч зорлик.**

* * *

ШИФОКОРНИНГ ширин муомаласи дардингга малҳам. Олижаноб ва фидойи ҳакимларга жонни нисор қилсанг кам:

**Фидойи, тадбиркор бўлса шифокор,**
**Тезда тузалажак ҳар қандай бемор.**

* * *

ИНСОФСИЗ, ўзига бино қўйган раҳбардан худонинг ўзи асрасин. Чунки, Тангри: такаббурни душманим, дегани бежиз эмас:

**Амалдор камтарин бўлмаса чатоқ,**
**Эл аро бўлғуси масхара ҳар чоғ.**

* * *

МУСАФФО ҳаво — дардингга даво! Ундан фойдаланиш учун ғайрат керак. Эрта тонгда уйғонганга не етсин:

**Баданни чиниқтир, дард кўрмайсан ҳеч,**
**Мусаффо ҳавода бўлгин эрта-кеч.**

* * *

ЯХШИЛИК — эзгуликнинг онаси! Дунёга инсон йиғлаб келади. Видолашаётганингда дўстларинг кўз ёшларини тўксин:

**Иложи борича яхшилик улаш,**
**Қаригач, тобутинг бўлғуси талаш.**

* * *

МЕҲНАТДА синалган — элда азиз! Ҳаёт қозонида роса қайнаб, қиёмига етган мақол. Бунга амал қилмоқ, айниқса, ёшларга фарз:

**Йигитга ярашар журъат, жасорат,**
**Меҳнат-ла эгизак бахту саодат.**

* * *

ЯХШИ одамларгина эл-юрт олқишига сазовор бўлади. Уларнинг юзларида имон нури барқ уриб туради:

**Миллатнинг фарқи йўқ, инсон бўлсанг бас,**
**Виждонли одамга эл қилур ҳавас.**

* * *

ОЛИНГАН мактубларга жавоб ёзмоқ — юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Хатига жавоб олган одамнинг кўнгли таскин топади:

**Йигитга ёр хати — нақд ярим дийдор,**
**Соғинган юракка қувонч ва мадор.**

* * *

ДУНЁДАГИ эзгу ишларнинг боши — боғ яратмоқ. Гўзал бўстонларга боқсам, «Бобур боғи» кўз ўнгимда намоён бўлади:

**Ким экса тупроққа мевали ниҳол,**
**Дўст-ла, биргаликда баҳам кўрар бол.**

* * *

«МЕҲМОН — атойи худо», дейди халқимиз. «Мезбоннинг очиқ бўлса чеҳраси меҳмоннинг очилур иштаҳаси», деган мақолда ҳикмат бор:

**Меҳмонингга ширин бўлса каломинг,**
**Дунёга таралар меҳмондўст номинг.**

* * *

ЛАНЖ одамдан Тангрининг ўзи асрасин. Фавқулодда учрашгудек бўлсанг ҳам зиғир мойи ичгандек беҳузур бўласан:

**Мағзава, сусткашда бўлмайди ривож,**
**Кийдириб қўйсанг ҳам хом бошига тож.**

* * *

ОДАМНИНГ ички ва ташқи кўриниши бир-бирига муштарак бўлсагина эл назарига тушади. Барча уни эъзозлайди:

**Одамда бўлади суврат ва сийрат,**
**Иккиси эш бўлса — бу абадий бахт.**

Сиддиқхўжа ШОШИЙ.

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

## АРАБ ҲИКМАТЛАРИ

● Янглишиш — жаҳолат меваси, тажриба эса ақл ойнасидир.

● Кимки отам ундай, бундай деб мақтанар экан, у йигит — йигит эмас!

● Инсон балоси тилидандир.

● Бахтини топмаган кишининг меҳнати зое кетади.

● Муваффақият — тўғриликда.

● Кимки нимани изласа ва тиришса, уни албатта топади.

● Илм дарахт бўлса, амал қилиш—унинг мевасидир.

● Табибга касал бўлишингдан олдин мурожаат қил!

● Ҳар бир гапнинг жавоби бор: ҳаргиз аччиқ гапирманглар ва ёмонлик қилманглар!

● Дангасаликнинг оқибати фақирликдир.

● Олимнинг ўлгани — оламнинг ўлгани.

● Кимки келажак ҳақида ўйласа, офатдан қутилади.

Араб тилидан
Қудратулло МЕҲМОНҚУЛОВ
таржимаси.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

БАҲОСИ: Обуначига — 6 тийин. Сотувда—10 тийин.

● *Эълонлар бурчаги* ●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОЙИДА
2—3 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА
АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗЛАР!
УСТА ОЛИМ КОМИЛОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН
«З А Р Б—91»
БУТУНИТТИФОҚ ДОИРАЧИЛАР ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ БИЛАН
УЧРАШУВ

ҲАМДА
КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИНИ КУРИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артистлари:
Камолиддин РАҲИМОВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ҳайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ
Ўзбекистон Ленин комсомолининг лауреатлари: Ғиёс БОЙТОЕВ, Муҳриддин ҲОЛИҚОВ, Обид АСОМОВ.
Чипталар сарой кассаларида соат 10 дан 19 гача сотилади.
Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Буюртма — 4885. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12